

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 219 (3701).

4

Н О Я Б Р Ъ
Ш А Н Б А

1967 Й И Л


Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ
50
ЙИЛЛИГИ

МОСКВА. 1967 йил 3 ноябрь. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратда: КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисининг президиуми ва мажлислар зали.

(Фото сурат фототелеграф билан олинди. ТАСС — «ЭТА»).



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА И Н Ф О Р М А Ц И О Н Б И Л Д И Р И Ш

1967 йил 3 ноябрда эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ кириш нутқи билан очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ «Социализм улуғ ғалабаларининг эзлик йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждон урушининг актив қатнашчилари, Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, марказий давлат ва жамоат ташкилот-

ларининг раҳбар ходимлари иштирок қилмоқда-лар.

Қўшма тантанали мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, капиталистик мамлакатлар ва ривожланиб бораётган мамлакатлар коммунистик, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларининг делегациялари, миллий-демократик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, социалистик мамлакатлардан Октябрь революцияси ва граждон урушида қатнашган кишилар, Жаҳон қасаба союзулари федерацияси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти, Халқаро журналистлар ташкилотининг делегациялари, коммунистик ва ишчи партиялар матбуоти органларининг бош редакторлари, барча қитъалардаги фан, адабиёт, санъат арбоблари, прогрессив студентларни бирлаштирувчи халқаро демократик ҳаракатлар делегациялари, дипломатия корпуси, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Танаффусдан кейин кечкурун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий

Советининг қўшма тантанали мажлиси давом этди.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Г. И. ВОРОНОВ Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин тантанали мажлис қатнашчилари қизгин қўлиб олган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ ВЛАДИСЛАВ ГОМУЛКА нутқ сўзлайди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. ШЕЛЕСТ Украина Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ ВАЛТЕР УЛЬБРИХТНИНГ нутқини қизгин қўлиб олдилар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. МАШЕРОВ

Белоруссия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ ЛЕ ЗУАН Вьетнам Демократик Республикаси қаҳрамон халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, совет халқига қардошларча табригини топширди ва Америка империализми агрессиясига қарши отир курашда ёрдам ва кўмак бераётганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилди. Тантанали мажлис қатнашчилари ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини мардона ҳимоя қилаётган халқ вакилини қизгин табрикдилар.

Мажлисда ҳамма томонидан қизгин қўлиб олинган Франция Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ ВАЛДЕК РОШЕ нутқ сўзлади.

Пионер қарнайларининг садоси янгради. Бутун залнинг қарсақлари остида пионерлар кириб келадилар. Мажлис қатнашчилари ёш ленинчиларни ўринларидан туриб қўлиб оладилар. Пионерлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советига табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Шу билан кечки мажлис тамом бўлди.

ОКтябрь БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКтябрь СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Ярим аср чўққисидан қараганда мамлакатимиз босиб ўтган қаҳрамонона йул айниқса ривож кўриб турибди. Улуғ Октябрь жаҳонни революцион тарзда янгилаш даврини, инсоният тарихида янги босқични очиб берди. Киска мuddат — эзлик йил ичида Совет Иттифоқи эркин ва завоқли меҳнат қилинадиган қудратли социалистик давлатга, гуркираб ривожланиб бораётган энг илгор эконимика, фан, маданият мамлакатига айланди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида тарихда биринчи бўлиб социалистик жамият барпо этдилар, биринчи бўлиб коммунизм қуришни бошлаб юбордилар. Октябрь мамлакатни кўтарган социализм байроғи эндиликда бутун инсоният порлоқ келажакнинг рамзи бўлиб планета узра хиллаша турибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси қатнашчилари халқимизнинг буюк зафарлари учун зувонч ва ифтихор туйғулари билан, келажакдаги муваффақиятларга ишони туйғулари билан 3 ноябрь эрталаб Кремлнинг Съездлар саройига тўпланишди.

Саройнинг катта залида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, Совет Иттифоқи ва Россия Федерацияси Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари,

Октябрь революцияси ва граждон урушининг актив иштирокчилари, марказий ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари, Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Армияси ва флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, Совет давлатининг 50 йиллик байрамида қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар ўтиришди.

Эрталаб соат 10... Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кирленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гринин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шербицкий, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар мажлис президиумига кириб келганларда мажлис ахли уларни ўринларидан туриб узок давом этган гўлдурс қарсақлар билан қўлиб олди.

СССР Олий Совети, Иттифок Совети ва Миллатлар Советининг Раислари ва уларнинг ўрин-

босарлари, РСФСР Олий Советининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, партиянинг ветеранлари, революция ва граждон урушининг актив қатнашчилари, чет эл делегацияларининг бошқилари ҳам улар билан бирга эди.

Тантанали мажлисни Н. В. Подгорний кириш нутқи сўзлаб очди.

— Азиз ўртоқлар! Мухтарам чет эллик меҳмонлар! — дейди Н. В. Подгорний. — Мана шу шонли кунларда Ватанимиз халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эзлик йиллигини тантанали суратда шодона нишонламоқдалар, коммунистик жамият қуриш йўлида ўзлари эришган муваффақиятларининг улугвор яқунларини тўпламоқдалар.

Миллион-миллион мазлум ва ночор меҳнат ахли ҳамиша порлоқ, адолатли жамият орусиде яшаб келди. Меҳнат ахли шу орузни рўйга чиқариш учун асрлар буйи курашиб келди. Болшевиклар партияси раҳбарлигидаги Россия пролетариати меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифок

бўлиб, барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашларини жипслаштириб, 1917 йил октябрда тарихда биринчи марта эксплуатация ва ҳуқуқсизлик тузумини абадий йўқотиб ташлади ва социалистик жамият барпо этишга киришди. Ленин партияси нимага даъват қилган бўлса ва халқ омма-си нима учун курашган бўлса, — буларнинг ҳаммаси рўйга чиқди!

Партия халқ онгига ўзининг нимага қодир эканлиги тушуңсини сингирди, уни янги жамият кура олишига ва бу жамиятини идора қила олишга ишонтирди. Октябрь революцияси янги типдаги давлатни — Советларнинг Социалистик Республикасини, демократиянинг янги типини — чинаком халқ ҳокимиятини ағуудга келтирди. Совет ҳокимиятининг эзлик йили меҳнаткашлар эксплуатация кишенларини парчалаб ташлаб, ўзлари жамият ишларига капиталистларсиз ва капиталистлардан яхшироқ раҳбарлик қила олишларини жуда ақлоқ исбот этди.

Мамлакатимизнинг жуда катта муваффақиятлари, унинг иқтисодий қудрати ўсганлиги, халқ фэ-

ровонлиги ва маданияти юксалганлиги ривож ва шубҳасиздир. Бу муваффақиятлар — Октябрь революцияси улуғ бунёдкорлик қушининг. Коммунистик партия донолигининг натижаси, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ зиёлилари, коммунизм учун мислсиз шикоятлар кўрсатган революционер халқ, инқодор халқ бўлиши бутун-қўп миллатли совет халқи бир неча влоди қилган фидокорона меҳнатнинг самараларидир! [Қарсақлар].

Бизнинг халқимиз биринчи бўлиб социализмга йўл солди. Бу йўл мурракб ва қийин эди — биринчиларга ҳамиша қийин бўлади. Душманлар бизнинг олға ҳаракатимизга ҳалақат бериш учун ҳеч нарсадан қайтмадилар. Ғалабалар нашъасини сурш, билан бирга қийинчиликлар, маҳрумликлар аламини, берилган қурбонлар доғини тортишга турги келди.

Совет халқининг кўпдан-кўп ўғил ва қизлари социалистик Ватан учун олиб боришган жангларда, коммунизм тугташсини деб ўз жонларини қурбон қилдилар. Уларнинг жасорати халқ хотирасида абадий сақланади. Халок бўлганларнинг қабрларидан зиёратчилар армияди, абадий шон-шухрат оловлари ҳеч қачон сўнмайди.

Халок бўлган жангчилар хотирасини ўриндан туриб ҳурматлашнинг сурайман. [Ҳамма ўриндан туради].

[Давоми 7- бетда].

Ўртоқлар! Бизнинг жамиятимиз ҳозирги кунда етук-
дик заковати ва ёшлик ғайратини бирга қўшиб олиб бор-
моқда. Бизнинг орамизда революция ва граждан уруши-

Қадим замонлардан бери кишлоқ хўжалиги иқлимга, табиатнинг иңжиқликларига боғлиқ бўлиб келган. Инсон шу қарамликдан қўтилишга эки ҳеч бўлмаса унчиганча заифлаштиришга ҳаммиса интилди келган. Болтиқ бўйидаги текисликлардан Тинч океан соҳилларигача, Кавказ ва Помир тоғларининг қўққилиридан Қўрт тундрасигача қўзилган бизнинг Вағанимиз учун бу нарсаси аниқ:

йайланди. Жаҳонда катта бир девор вужудга келди, бу деворнинг бир томонида эски дунёнинг, реакциянинг, социал ва миллий зулмнинг ҳамма кучлари жипслашди, иккинчи томонида эса социализм, демократия ва тараққиёт кучлари жипслашди.

системаси емирилиб бормоқд, собиқ мустанлакачи империяларнинг ҳаробалари ўрнида етмишдан ортиқ давлат барпо бўлди. Капитал мамлакатларида уюшган ишчилар ҳаракати жуда катта кучга айланди. Унинг таъсири мазкур мамлакатлар бутун сиёсий ҳаётининг катта омилли бўлиб қолди. Аҳолининг кенг қатламлари

етказмода. Жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини бузишга қаратилган бу сўёсат халқларнинг революцион кураши манфаатларига зиддир.

(Давоми 5-бетда).

йайланди. Жаҳонда катта бир девор вужудга келди, бу деворнинг бир томонида эски дунёнинг, реакциянинг, социал ва миллий зулмнинг ҳамма кучлари жипслашди, иккинчи томонида эса социализм, демократия ва тараққиёт кучлари жипслашди.

системаси емирилиб бормоқд, собиқ мустанлакачи империяларнинг ҳаробалари ўрнида етмишдан ортиқ давлат барпо бўлди. Капитал мамлакатларида уюшган ишчилар ҳаракати жуда катта кучга айланди. Унинг таъсири мазкур мамлакатлар бутун сиёсий ҳаётининг катта омилли бўлиб қолди. Аҳолининг кенг қатламлари

(Давомн 5-бетда).

(Бош 2, 3, 4, 5, 6-бетларда)

худди шундаки оқибат билан тугайди.

Догмаларга асосланган, жамиятнинг ривокланганини билан баравар қадам ташлаб бора олмайдиган назариялар эскириб қолмаверди. Илмий коммунизм назариясининг тарихий тақдири бошқақа бўлди ва бўлажак. Марксизм-ленинизмнинг кучи шундаки, у конкрет вазиятни ҳаммаи ва ша конкрет таҳлил этганини талаб қилувчи революцион

Коммунистлар учун, барча совет кишилари учун партиянинг обрў-эътиборини авайлаб сақлашдан, унинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлашдан, унинг кучини кўпайтира боришдан кўра юксакроқ бурч йўқ.

Октябрьнинг 50 йилдиги қадаёт совет халқи учунгина эмас, шу билан бирга қаршот социалистик мамлакатларнинг халқлари учун, барча мамлакатларнинг коммунистлари учун, халқаро ишчилар ҳаракати учун, ҳамма меҳнаткашлар учун ҳам байрам бўлиб қолди. Айнаибди дўстларимизга Совет мамлакатининг улуг байрамиди қатнашганиликлари учун патрилизм ва бутун халқимиз номидан қизиг ташаккур ияхор қиламиз. Азиз дўстлар ва қардошлар, сизнинг дўстлигиниз ва бирдамлигиниз, ғалабангиз коммунизм учун курашда совет кишиларига ҳақиқиат илҳом манбалари бўлиб келди ва бўлаверди. Иносиёт тараққиёти учун курашнинг муштарак ишига қаршот партиялар қўшаётган ҳиссани юксак даражада қадрламоқдамиз.

Империализмга қарши, тинчлик, демократия, социализм учун, миллий мустақиллик, халқлар хавфсизлиги ва озодлиги учун курашда социалистик мамлакатлар, коммунистик партиялар, халқро ипчилар сифи, барча революцион ва прогрессив кучларнинг биринги мустақиллаша босин!

«Уртоқ Л. И. Брежнев доклади зўр эътибор билан ting-ланди ва бир неча бор қарсақлар билан бўлиниб турди. Доклад туғанидан кейин ҳамма ўрнидан турарди. Гулдурас давомли қарсақлар бошланади. «Ура!» хитоблари эшитилди».

(Боши 1- бетда).

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Николае Чау-

бош секретари уртқоқ Эзекиас Папаиоанну бош-
лиқ партия делегациясини;
[REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED]

бошқа урғопларни ҳам қизгин табриқлаймиз.
Янги Зеландия Социалистик бирлик партияси:

правлениенинг аъзosi уртоқ Фини Густавсен
бошлиқ партия делегациясини;

(3 ноябргаги кечки маълумининг тула ҳисоботи
навбатдаги сонда босилади).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ ОКТЯБРГА!

Областимиз юбилей йили социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

350.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ УЛУҒ БАЙРАМГА ТЎЕНА

БЕКОБОД РАЙОНИ МАРРАГА ЕТДИ

БЕКОБОД (Телефон орқали олинди). Район деҳқонлари эрта кўклардаёқ Октябрь шарафига бошланган мусобақага қўшилди. Фидокорона меҳнат қилдилар. Кўкларда, ёзда бўлган кучли ёгин ва шомоллар тўғрисида даладаги экинлар зарарланганга қарамай меҳнаткам колхозчилар ва фидокор совхоз ишчилари бу табиий қийинчиликларни мардонаворлик билан енгилдилар. Табиий оғат тўғрисида зарар кўрган 13 минг гектар ердаги гўза қайта экилди ёки олмасга экилди. Бу майдонлардаги гўзани яхшилаш учун айниқса зўр эътибор билан ишланди. Меҳанизаторлар гўза қатор оралирини шиллаш, ўғитлаш, эгати олиш юзасидан берилган топириқини ҳаммавақт сифатли бажариш учун курашдилар. Миришкор сувчилар гўзаларини об-ҳаётга қондирдилар. Қишлоқлардаги катта-кичик зўр тайёрат билан меҳнат қилди. Чўққилар ҳар бир киши шонли юбилейга шахсий совға тайёрлаш ният-мақсадида эди.

Кўпчиликнинг бу фидокорона, яқинлик билан қилган меҳнати ўзининг қувончли натижасини берди. Район юбилей арасида планни бажарди. Давлат оморларига 43 минг 306 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берди. Бу ҳисобнинг 25 минг тоннадан зиёдроги машиналар билан териб олинди.

Райондаги «Победа», Ленин номи, Навоий номи колхоз пахтакорлари айниқса юбейликни қилдилар. «Победа» колхоз машинада

пахта теришда ва планни муваффақиятлани адо этишда бошқаларга ўрнак бўлди.

Зенов усулида иш ташкил қилинган кўпгина жойларда қувончли натижалар кўлга келтирилди. Ленин номи колхозининг Исроҳон Сиддиқалиев, Абдушароф Усмонов, «Чанок» совхозининг Халилберди Эгамбердиев, «Победа» колхозининг Қўшбоқ Эгамбердиев ўрқолар бошлиқ зеноларига гектаридан 30—37—40 центнердан ҳосил олинди.

«Чанок», 3-«Далварзин» совхозлари ва Ленин номи, Дзержинский номи колхозларда қатор участкаларнинг аззолари ўз зиммаларидаги планни ва социалистик мажбуриятини ошириб адо этишда, Ушкелб номи механик-ҳайдовчилар пахта далаларида фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Ленин номи колхозининг меҳанизатор-зено бошлиқ Иброҳим Сиддиқалиев юз тоннага яқин, «Победа» колхозининг меҳанизатор Юрий Кузнецов 104 тонна, «Чанок» совхозидан Валлома Тўхтабоев 93 тонна пахта терди. Бундай илғор механик-ҳайдовчилар кўп.

Бекободликлар шу кунларда энжамлардаги социалистик мажбуриятини ҳам муваффақиятлани адо этиш, юбилей йилини яхши натижалар билан ақулаш, келгуси йил мўл ҳосил учун мустаҳкам замин тайёрлаш учун курашмоқдалар.



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	Бир кунда	мавсум бошидан бери
Оққўрғон	0,51	118,38	0,55	134,70	
Бўна	0,68	116,55	0,64	140,92	
Урта Чирчиқ	0,43	113,08	0,17	123,24	
Янгийўл	0,42	112,49	0,50	124,41	
Юқори Чирчиқ	0,74	111,81	0,16	145,71	
Оржоникидзе	0,47	104,81	—	91,82	
Бекобод	1,59	98,41	0,45	105,68	
Область бўйича:	0,68	112,51	0,47	130,02	

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

3 ноябрга қадар областда 92 процент миқдорда шоли тайёрланди. Шу жумладан Калинин — 133 процент, Юқори Чирчиқ — 129,4, Янгийўл — 115, Оржоникидзе — 115, Урта Чирчиқ — 102, Оққўрғон — 88, Бўна — 86,5, Бекобод районида 66,5 процент миқдорда шоли тайёрланди.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йигим-терими таъкил этиш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида олиб бориладиган социалистик мусобақанинг октябрь ойи олтинчи беш кунлиги якулиларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқлари Бекобод районидаги «Чанок» совхоз ва Дзержинский номи колхозга берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга сазавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва уюм сотиш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида олиб бориладиган социалистик мусобақанинг октябрь ойи иккинчи ярми якулиларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқлари Калинин районида, шу районидаги «Келес» совхозига ва Оржоникидзе районидаги Киров номи колхозга берилди.

БАЙРАМГА СОВҒА

«Коммунизм» колхоз ижроия ерлари Тошкент каналининг икки томонида ястаниб ётибди.

Бу хўжалик аззолари давлатга 2843 тоннадан ортиқ пахта топириб планни бажардилар. Бугунги шу вақтдагига қараганда 123 тоннадан зиёд кўл пахта етказиб берилди. Ийгиб олган ҳисобнинг 64 проценти машиналар билан терилди. Р. Фаталиев, А. Гулалиев, С. Минглишев, С. Руфатов ўрқолар бошлиқ зенолар гектаридан 24—26 центнер

дан пахта йигиб олдилар.

Жуда кўп механик-ҳайдовчилар, қунончи К. Зеновлов, М. Журабеков, А. Сафаралиев ва шулар сирқари ўрқолар 8,5 машиналари билан 75—85 тоннадан пахта терилди.

Урта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аззолари қолган ҳисобни тезроқ йигиб-териб олиш, келгуси йил мўл ҳосил учун замин тайёрлаш мақсадида астойдил курашмоқдалар.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ВА ОБЛАСТ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ЕДГОРЛИК БАЙРОҚЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига област саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлари коллективларининг социалистик мусобақа якулиларини қарор қилиб, шунингдек, бу коллективларнинг революцион хизматларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва област касаба союzlари Совети қарор қилади:

Қуйдаги коллективларга ёдгорлик байроқлари берилиб, улар коллективларнинг меҳнат шавқати рами сифатида абадий сақлаш учун қолдирилсин ҳамда ҳамма-нинг кўриши учун қўлай, махсус ажратилган жойларда ўрнатиб қўйилсин:

Тошкент «Ушқун» тўқимачилик галатерия фирмаси.
Бекобод пахта заводи.
Тошкент «Қизил тонг» тикучилик фирмаси.
«Ташкентнабель» заводи.
«Чирчиксельмаш» заводи.
«Ўзбекхиммаш» заводи.
ЎзССР қурилиш министрлигининг 6-трести.
ЎзССР қурилиш министрлигининг 1-«Строймеханизация» трести.

Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон» совхоз.
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхоз.
Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхоз.
Янгийўл районидаги «Интернационал» колхоз.

Бекобод районидаги Ленин номи колхоз.
Бўна районидаги 2-«Писхент» совхоз.
Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номи колхоз.

Тошкент область электр тармоқлари корхонаси.
Урта Чирчиқ районидаги «Подарная звезда» колхоз.



Болгариялик азиз меҳмонларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А. Абалаян фотоси.

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

Кеча болгариялик меҳмонлар Тошкент области билан мусобақада бўлган Хаскенов округининг вакиллари самолётда пойтахтга келишди. Делегацияга Болгария Коммунистик партияси Хаскенов округи комитетининг биринчи секретари ўрқол Г. Н. Корданов бошчилик қилмоқда. Делегация составида Хаскенов округи партия коми-

тети бюросининг аззоси, касаба союzlари округ Советининг раиси И. Х. Граматиков, Бродо қишлоғидаги В. И. Ленин номи кооперативининг раиси Е. А. Асенова ўрқолар бор.

Худди шу самолётда Ямболь округи халқ кенгаши ижроия комитетининг раиси ўрқол Н. Гагамов бошчилигидаги Ямболь

округи делегацияси аззолари ҳам Тошкентга келишди. Хаскенов округи партияси республика миёз пойтахт областида, Ямболь округи партияси ас Анджон областида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги байрами тантаналарида иштирок этишди.

Болгариялик меҳмонларини Ўзбекистон КП Марказий Комитети, область партия комитети ва область ижроия комитетининг ходимлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

БЕШ МИНГ ТОННА МАҲСУЛОТ

Калинин районидаги Оржоникидзе номи колхоз аззолари меҳнатшавқига қўллаб қўллаб, сазавот, мева ва қоричани маҳсулотлари етказиб берилди. Картошка тайёрлаш учун йил бўйи астойдил курашдилар. Октябрьнинг 50 йиллиги юбилейи шарафига бошланган мусобақа қувончли натижалар билан якулланмоқда.

Колхоз аззолари шу кунгача беш минг тоннадан кўпроқ қиш

лоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Хўжаликда маҳсулотларнинг барча турлари бўйича план ошириб адо этилди. Картошка тайёрлаш 100,1, сазавот 140, шол 100,6, мева 191, узум 180, янгла 128, гўшт 104, сўт тайёрлаш 100,1 процент бажарилди.

Колхозда сазавот ва картошка топириш қизгин давом этмоқда.

ЯНГИ КАФЕ

Юбилей арасида «Россия» ресторанининг Навоий кўчасида реконструкция қилинди. Кафеда янгидан икки бўлим ишга туширилди. Билик бўлимининг бўлимида пазандалардан Рафдор Мухамедов меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига 200 килограммгача балиқ лишириб қўрандаларга етказиб берилмоқда. Унинг ён бағрида эса чоғушхона бор. Бу ерда енгилроқ таомлар тайёрланапти.

— М. Абдурахмонов, В. Хадина, А. Калистратова каби

пазандаларимиз томонидан тайёрланган миллий ва қардош халқлар таомларидан ҳўрандалар ҳўранди, — дейди кафе ишлаб чиқариш мудири З. Турсунов, — байрам кунлари кафеда ўрилар соғин тағин ҳам кенгайтирилади. Овқатларнинг турди-туман хиллари тайёрланапти.

З. ЗОКИРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА

В А ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
12.50 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
16.55 — Ўзбекистон телепрограммаси.
17.00 — Телеингиллар (рус тилида).
Ўзбек тилида: 17.10 — Ҳаёт учун (болалар учун), 17.35 — Кино илгўсида — Ҳаёт (кинотеатрда), 18.35 — Телеингиллар.
18.50 дан — Москва кўрсатади.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
18.25 — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 18.50 — В. И. Ленин образи — Ўзбек совет адабиетида, 19.10 — Қаҳрамонлик (кино-

фильм), 20.05 — Тамирашоним кўлайди (фильм-монтеж), 20.30 — Дар, олга! (бедий фильмнинг иккинчи серияси).
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 19.00 — Шайба-шайба (болалар учун мультфильм), 19.20 — Лениннинг уч баҳори (хўжалик фильми), 20.25 — Хўжалик аззоси (бедий фильм), 22.05 — Тароналари (фильм-монтеж).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/4 да Селия сартароши, 5/4 да Оқуш кўли.
ХАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРА-

МА ТЕАТРИДА — 4/4 Кутлуг қон. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Бором юрларлар» билан коллектив гастроллари. Программа Улуғ Октябрьнинг 50 йиллигига бағишланади. Айниқла аттракцион. Ўргатуви — Владимир Тин.

КИНО

Ўзбекистон 25 йиллиги. «ЎЗБЕКСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).
Хонинки — НАВОЙИ номи, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).
Маринна — «КОМСОМОЛ» 30 йиллиги (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
7—8 ноябрда
Улуғ Октябрьнинг 50 йиллигига бағишланган БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ
Концертда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жуманазар БЕКМОНОВ, Солистлар: Олмасхон ХАЙИТОВА, Гулчара ИСМОИЛОВА, Манзура МУМИНОВА, Шариф СУЛТОНОВ, Тўхта РИСМЕТОВА, Рамаб ИСМОИЛОВ ва бошқалар қатнашди.
7-ноябрда концерт кундуз соат 2 да, 8-ноябрда кундуз 1 да бошланади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Гашиевского обкома КП Ўзбекистон, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосари — 835885, Б36232, Маъсул секретарь — 834808. Пропанганд, адабиёт ва санъат бўлими — 831936, Санъат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, маънавият ва олий ўқув орталари бўлими — 839050, Совет қурилиши, маъшии хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Халқаро ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълолар бўлими — 838142, Коммулатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.